

Бухоро вилоятига ташрифнинг илк манзили Олот тумани бўлди



Президент Шавкат Мирзиёев 21 январь куні Бухоро вилоятига келиб, вертолётда Олот туманига йўл олди.

Бу – ҳудудлар иқтисодийетини ривожлантиришга қаратилган жорий йилги биринчи ташриф. Ва у мазкур чекка тумандан бошланаётгани бежиз эмас.

2020 йил 27 апрель куні Бухоро вилоятига жанубдан кучли шамол кириб келган эди. Уй-жойлар, инфратузилма ва экинларга катта зарар етказганди.

Давлатимиз раҳбари зудлик билан у ерга етиб бориб, табиий офат оқибатларини бартараф қилиш, турар жойлар ва ижтимоий объектларни таъмирлаш бўйича топшириқлар берган эди. Қисқа муддатда зарур ишлар бажарилиб, ҳаёт ўз маромига қайтди.

Бу галги сафар чоғида Президент вертолётда ушбу ишлар қамровини кўздан кечирди.

Хусусан, Олот, Қорақўл, Жондор, Ромитан, Пешку ва Шофиркон туманларида 45 мингта уй, 204 та кўп қаватли турар жой таъмирланган. Мингдан ортиқ ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик объектлари, йўллар, электр, газ ва алоқа тармоқлари тикланган.

Айни пайтда давлатимиз раҳбари шу ерлик аҳоли билан мулоқот қилмоқда.





Манба